

Уламолар Самарқанд вилоятида



11:30 / 24.07.2021 1531

Айни кунларда уламоларимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифлари бошланган. Кунни кеча Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов Тойлоқ туманидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга кириб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Меҳрга ташна кўзларга боқиб, уларнинг ўксик кўнгилларига қувонч улашилди. Бундай оилаларга моддий ёрдамлар ва совғалар тарқатилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани бош имом-хатиби Ф.Аллаёров ва Тошкент шаҳар «Минор» масжиди имом-хатиби Ф.Убайдуллаевлар Самарқанд шаҳар Руҳобод масжиди имом-хатиби Т.Амиров ҳамроҳлигида Тойлоқ туманида бўлиб туришибди. Тарғиботчилар тумандаги «Жумабозор» ва «Тойлоқ ота» жоме масжидларига ташриф буюришиб, масжид ходимлари билан қизғин мулоқотда бўлдилар.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов иштирокида «Исломобод» жоме масжидида пешин намози адо этилиб, тинчликнинг қадрига етиш, ватанпарварлик ҳикмати, миллат тақдирига даҳлдорлик ҳисси мавзуларида намозхонлар билан дилдан суҳбат бўлди. Суҳбатдан сўнг кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, эҳсонлар улашилди.







